

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336.564.21(575.1)

Элмирзаев Самариддин Эшқуватович

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРПОРАТИВ СОЛИҚ
МЕНЕЖМЕНТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит»

Иқтисод фанлари номзоди
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2012

Диссертация иши Тошкент молия институтида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори
Тошмуродова Бувсара Эгамовна

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Олимжонов Одил Олимович

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Эшонов Муҳаммад-Айюб Ҳошимжон ўғли

Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ
қўмитаси Солиқ академияси

Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2012 йил «___» _____ соат _____ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Ҳ.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2012 йил «___» _____ да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод фанлари доктори**

Ф.И.Мирзаев

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда «... солиқ юкини камайитиришга қаратилган оқилона солиқ сиёсати иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда»¹. Шу боисдан мамлакатимиз барқарор иқтисодий ўсишини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашда солиқ механизмидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда корхоналарнинг солиқлар бўйича берилаётган имтиёз ва енгилликлардан тўғри фойдаланиши ташкил этилиши корпоратив солиқ менежментининг самарали амал қилиши билан бевосита боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат солиқ менежментига параллел равишда корпоратив солиқ менежменти ҳам ривожланиб боради. Корпоратив солиқ менежменти корхона ва ташкилотларнинг давлат билан молия ва солиқ муносабатларини бошқариш, яъни солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича мажбуриятларини бажариш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга. Корпоратив солиқ менежменти корпоратив молияни бошқаришнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, солиқларни қонуний камайитириш чора-тадбирларини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиши билан бир вақтда солиқ мажбуриятларининг белгиланган тартибда бажарилиши орқали давлат бюджети даромадлари ижросининг белгиланган тартибда бажарилишига ижобий таъсир кўрсатади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикамызда корпоратив солиқ менежментини ривожлантиришга қаратилган назарий-амалий муаммоларни чуқур илмий тадқиқ этишнинг зарурлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Корпоратив солиқ менежментининг назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан М.П.Владимирова, Е.С.Вылкова, Л.И.Гончаренко, Е.Н.Евстигнеев, Н.Г.Иванова, Ж.П.Фриедман, Т.А.Козенкова, А.В.Петров, А.Г.Поршнев, А.Э.Сердюков, А.Л.Тарасевич, Е.Ю.Сидорова, Д.Н.Тихонов, Л.Г.Липник, Д.М.Теунаев, А.В.Подкапаев, Т.Элгоод, И.Пароиззиен, Л.Куэмбэлларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган². Мамлакатимиз

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 10-11.

² Владимирова М.П., Теунаев Д.М., Стажкова М.М.. Оффшоры инструмент международного налогового планирования. – М.: «Кнорус», 2005. – 78 с.; Сердюков А.Э., Вылкова Е.С., Тарасевич А.Л. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2008. – 704 с.; Гончаренко Л.И. Налоговые риски. <http://institutiones.com/general/1184-nalogovye-riski.html>, 2009; Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2006. – 288 с.; Евстигнеев Е.Н. Основы налогового планирования. – СПб.: «Питер», 2004. – 288 с.; Иванова Н.Г. и др. Налоги и налогообложение. Схемы и таблицы. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2004. – 340 с.; Friedman J.P. Dictionary of Business Terms. “Bagton’s Educational Series, Inc.”, 2000. – 736 p.; Козенкова Т.А. Налоговое планирование на предприятии. – М.: «АиН», 1999. – 64 с.; Петров А.В. Налоговая экономия: реальные решения. – М.: Издательство «Бератор-паблишинг», 2007. –

иктисодчи олимларидан О.Абдурахмонов, М.И.Альмардонов, Т.С.Маликов, О.Олимжонов, Б.Тошмуродова, Ш.Тошматов, М.Хамидулин, Қ.Яхёев, Н.Хайдаровлар солиқларни такомиллаштириш, уларнинг солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантиришдаги ролини фаоллаштириш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришган³. Иқтисод фанлари доктори Б.Тошмуродованинг илмий ишларида солиқ менежменти ва уни корхоналарда ташкил этишнинг хусусиятлари тадқиқ этилган⁴. Ш.Тошматов докторлик диссертациясида эса, корхоналар иқтисодий фаоллигини оширишда солиқлар ролини ошириш муаммолари ёритилган⁵.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот иши Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади: иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикасида корпоратив солиқ менежментини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- солиқ менежментининг иқтисодий моҳияти ва ташкилий хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан очиб бериш;
- корхоналарда солиқларни режалаштиришни ташкил этиш тартиби ва ўзига хос хусусиятларини илмий жиҳатдан асослаш;
- солиқ рискларининг моҳиятини ўрганиш, таснифлаш, юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш ҳамда корхоналарда бошқариш ҳолатини баҳолаш;
- хўжалик юритувчи субъектларда ички солиқ назоратини ташкил этиш ва унда эътибор қаратиладиган асосий жиҳатларни аниқлаш;
- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда солиқ менежментини ривожлантириш йўналишларини белгилаш;
- корхоналарда солиқ мажбуриятларини бошқаришни самарали ташкил этишда солиқ маслаҳати хизматининг аҳамиятини ошириш ва уни ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;
- мамлакатимизда фаолият юритаётган корхоналар миқёсида солиқ мажбуриятларини бошқаришни ривожлантириш имкониятлари ва уларни

680 с.; Под. ред. Поршнева А.Г. Налоговый менеджмент. – М.: «ИНФРА-М», 2003. – 442 с.; Сидорова Е.Ю. Налоговое планирование: курс лекций. – М.: «Экзамен», 2006. – 221 с.; Тихонов Д.Н., Липник Л.Г. Налоговое планирование и оптимизация налоговых рисков. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2004. – 253 с.; Подкапаев А.В. Совершенствование корпоративного налогового менеджмента как способ достижения баланса интересов бизнеса и государства. Автореф. дисс. ... кан. экон. наук. – Москва, 2007. – 24 с.; Elgood T., Paroissien I, Quimby L. Tax risk management. – Pricewaterhousecoopers – 2002. – 64 p.

³ Абдурахмонов О. Налоговые системы стран с переходной экономикой. – М.: «Палеотин», 2005. – 376 с.; Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: «Академия», 2002. – 204 б.; Хамидулин М. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореф. дисс. ... док. экон. наук. – Ташкент, 2008. – 40 с.; Яхёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2003. – 247 б.; Хайдаров Н. Солиқлар ва солиққа тортиш масалалари. – Т.: «Академия», 2007. – 256 б.

⁴ Тошмуродова Б. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқт. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – 44 б.

⁵ Тошматов Ш. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2008. – 204 б.

амалиётга жорий этиш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган солиқ тўловчи юридик шахслар диссертация ишининг тадқиқот объекти ҳисобланади. Тадқиқотнинг предмети сифатида корхоналарни солиққа тортишда вужудга келадиган молиявий муносабатлар олинган.

Тадқиқот методлари. Диссертацияда занжирли боғланиш, статистик таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, омилли таҳлил усуллари қўлланилди.

Тадқиқот гипотезаси. Диссертация ишида корхоналарда солиқ мажбуриятларини самарали бошқаришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлашга ва давлат бюджети даромадларининг ўз вақтида шаклланишига хизмат қилиши мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- корпоратив солиқ менежментини ривожлантиришнинг корхоналар молиявий ҳолатига ижобий таъсири асослаб берилди;

- таклиф этилган солиқларни режалаштириш босқичларидан «Ўздонмахсулот» АКда 2011 йилда фойдаланиш натижасида 187387 минг сўм маблағ акциядорлик компанияси ихтиёрида қолдирилган ва тежаб қолинган сумма ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга, махсулот турларини кўпайтиришга йўналтирилган;

- корхоналарда амалга оширилган молиявий операциялар ва улар бўйича ҳисобланадиган солиқларни тўлаш муддатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар ой ёки чорак бўйича солиқ бюджетини тузиш ва унинг солиқ боқимандалигини камайтиришдаги аҳамиятли жиҳатлари белгилаб берилди;

- молия йилининг охирида солиқ қонунчилигига киритиладиган ўзгаришларни, хусусан, давлат бюджети параметрларини уларнинг кучга кириш муддатидан камида бир ой олдин матбуотда эълон қилинишини ташкил этиш солиқ рискларини камайтиришга хизмат қилиши аниқланди;

- солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун фақат малака имтиҳони топшириш мажбурий тартибда жорий этиб, махсус курсни ўташ мажбурийлигини бекор қилишнинг ижобий жиҳатлари асосланди;

- амалдаги қонунчиликдан келиб чиққан ҳолда таклиф этилган корхоналарда солиқларни минималлаштиришнинг дивиденд схемасини «Ўздонмахсулот» АКда қўллаш орқали акциядор ходимларга 2011 йил якуни бўйича мукофотларни дивидендга йўналтириш натижасида ҳар бир миллион сўмлик харажат бўйича 250 минг сўмдан ягона ижтимоий тўлов компания ихтиёрида қолишига эришилган.

Ишнинг илмий янгилиги:

- корпоратив солиқ менежментининг иқтисодий моҳияти очиб берилди ва ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида солиқ мажбуриятларини бошқаришни самарали ташкил этишнинг назарий асослари шакллантирилди;

- корхоналар миқёсида солиқларни режалаштиришни стратегик, жорий ва оператив режалаштириш тарзида амалга ошириш асослаб берилди;

- солиқ рискларининг юзага келиш сабаблари ва оқибатлари аниқланди, уларни камайитириш йўллари белгилаб берилди;

- ички солиқ назоратини ташкил этишнинг корхоналар молиявий хўжалик фаолиятидаги аҳамияти ёритиб берилди ва уни ўтказиш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, хусусан солиқ хатолари турлари очиб берилди;

- солиқ маслаҳатчилигининг корхоналар молиявий ҳолатини барқарорлаштиришдаги, давлат бюджети даромадларининг ўз вақтида тўлиқ шакллантиришдаги, солиқ низоларининг олдини олиш орқали солиқ органлари фаолият самарадорлигини оширишдаги аҳамиятли жиҳатлари асосланган ҳолда бу соҳани ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- мамлакатимиз солиқ қонунчилиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда корхоналар фаолиятида солиқ мажбуриятларини самарали бошқариш орқали хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини ошириш йўналишлари белгиланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти тадқиқот натижаларидан корпоратив солиқ менежментини ривожлантиришнинг фундаментал ва амалий жиҳатларини махсус чуқур тадқиқ этишга бағишланган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин. Амалий аҳамияти эса, илмий ишда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилиши компанияларда солиқ менежментини самарали ташкил этиш уларнинг молиявий барқарорлигини оширишга, корхоналар тўловга лаёқатлилигини таъминлаш, солиқ муносабатларини самарали ташкил этишга оид қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида «Корпоратив солиқ менежменти», «Солиқ муносабатларини оптималлаштириш», «Молиявий менежмент», «Корпоратив молия стратегияси» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2010 йил 23 июлдаги ЁТ/20-01-31-16-313/1784-сонли далолатнома), «Ўздонмахсулот» АК (2012 йил 30 январдаги далолатнома) томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинган. Диссертация натижаларидан Тошкент молия институтида (2010 йил 8 сентябрдаги 8-сонли далолатнома) «Корпоратив солиқ менежменти», «Солиқ муносабатларини оптималлаштириш», «Молиявий менежмент», «Корпоратив молия стратегияси» фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий таклиф ва хулосалари «Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг

роли» (Тошкент, 2009), «ЎЖаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия, банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини такомиллаштириш» (Тошкент, 2009), «Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики» (Москва, 2009), «ЎЖаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари» (Тошкент, 2010), «Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса» (Москва, 2010), «Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари» (Тошкент, 2011), «Молия соҳасида мавжуд бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» (Тошкент, 2011) мавзуларидаги халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Диссертация иши Тошкент молия институти «Молиявий менежмент» кафедраси кенгайтирилган кафедралараро илмий семинарида ва Банк-молия академияси ҳузуридаги Бирлашган ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация иши натижалари 18 та илмий мақола, маъруза тезислари ва ўқув қўлланмада ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркибан кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Тадқиқот ишининг умумий ҳажми 139 бет бўлиб, саккизта жадвал, 16 та расм ва учта иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат солиқ менежменти давлат аҳамиятига эга илмий-амалий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда муҳим рол ўйнайди. Давлат солиқ менежментининг тўғри йўлга қўйилиши макроиқтисодий даражада умумдавлат иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. «Давлат солиқ менежменти – давлатнинг бевосита функцияларидан бири ва унинг иқтисодий сиёсатининг муҳим элементи»⁶. Корхоналар миқёсида солиқлар бўйича пул оқимларини бошқаришнинг аҳамиятини солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларни тежаш орқали хўжалик субъектлари иқтисодий тараққиёти ва молиявий барқарорлигини таъминлашда ўз аксини топади. «Корпоратив солиқ менежменти – корхона ва ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб, солиқ тўловчи томонидан солиқ юкини камайтиришнинг қонуний воситасидир»⁷.

Давлат солиқ менежментида солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларни самарали бошқариш орқали ўз бошқарув функцияларини

⁶ Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2006. – С. 223.

⁷ Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2006. – С. 224.

молиявий жиҳатдан таъминлайди ва мамлакат тараққиётига замин яратади. Бунда давлат солиқ менежменти моҳиятини солиқлар амал қилиши бўйича умумий принциплар, методологик қоидалар ишлаб чиқиш орқали солиқ муносабатларини тартибга солиш борасидаги фаолиятида кўришимиз мумкин.

Солиқларнинг хўжалик субъектлари молиявий ҳолатига таъсирини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган қарорлар бизнес тақдири билан бирга унинг ўсиш ва ривожланиш имкониятларини ҳам белгилаб беради. Солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича давлат бюджети билан ҳисоб-китоблардаги ҳар қандай хато ёки камчилик корхона учун кўшимча молиявий ҳисоблашишларни юзага келтириши ва жиддий молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Мазкур ҳолатларнинг олдини олишда ва солиқлар бўйича мажбуриятларни қонуний йўллар, усуллардан фойдаланган ҳолда максимал даражада камайтириш мақсадида корпоратив солиқ менежментини ташкил этиш лозим бўлади.

Корпоратив солиқ менежменти солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Б.Тошмуродова «Корхоналарда солиқ менежменти – солиқ тўловларини оптималлаштириш билан боғлиқ фаолият сифатида уларни самарали бошқаришдир ва у молиявий менежментнинг ажралмас қисми ҳисобланади»⁸, дея изоҳласа, Е.Н.Евстигнеев фикрича «Корпоратив солиқ менежменти – бу, иқтисодий субъект молиясини бошқаришнинг таркибий қисмидир»⁹.

Иқтисодий адабиётдаги турли иқтисодий қарашларни таҳлил қилган ҳолда корпоратив солиқ менежментига қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик: **корпоратив солиқ менежменти** бу – давлат солиқ менежменти томонидан белгиланган қонунчилик доирасида микродаражада солиқлар бўйича пул оқимлари ҳаракатини самарали бошқариш орқали солиқ мажбуриятларини минималлаштириш, тартибга солиш, солиқ хатоларининг олдини олиш, солиқ тўлашнинг қулай вазиятларини танлашга қаратилган корпоратив молияни бошқариш тизимининг муҳим бўғинидир.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, корхоналарда солиқларни бошқариш тизими солиқ мажбуриятларини бошқариш, солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, ички солиқ назоратини ташкил этиш, солиқ тўловларини ўзаро мувофиқлаштириш, солиқларни қонун доирасида камайтириш бўйича схемалар ишлаб чиқиш ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда корпоратив солиқ менежментининг асосларини қуйидаги расмда келтириб ўтамиз (1-расм).

⁸ Тошмуродова Б.Э. Иқтисодий тараққиётга эришишда солиқлардан самарали фойдаланиш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2007. – Б. 22.

⁹ Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2006. – С. 225.



1-расм. Корпоратив солиқ менежменти асослари¹⁰

Корхоналарда солиқлар бўйича пул оқимларини бошқаришнинг муҳим йўналишларидан бири солиқларни режалаштириш ҳисобланади. Солиқларни режалаштириш тушунчаси айрим иқтисодчи олимлар томонидан «Хўжалик субъектларида солиқларни режалаштириш – хўжалик субъектлари ягона иқтисодий тараққиёт стратегияси доирасидаги молиявий-хўжалик фаолиятини бошқаришнинг ажралмас қисми бўлиб, ресурсларнинг чекланганлиги шароитида корхонанинг келажақдаги молиявий ҳолатини белгилаш учун оптимал қонуний солиқ тўлаш усулларида ва методларида ҳамда солиқ тўлашнинг мумкин бўлган муқобил вариантларида фойдаланиш тизимидаги жараёнларни ўзида акс эттиради»¹¹, деб таъкидланса, Е.Н.Евстигнеев томонидан эса «қонуний тақдим этилган имтиёзлардан фойдаланиш орқали солиқларни айланиб ўтишнинг қонуний усуллари ва солиқ мажбуриятларини камайтириш йўллари»¹² сифатида талқин этилади.


Бизнингча, **солиқларни режалаштириш** – қонунчилик томонидан тақдим этилган енгилликлар ва солиқ мажбуриятларини қисқартиришнинг бошқа қонуний усулларида фойдаланган ҳолда солиқ ва уларга тенглаштирилган тўловларни камайтириш бўйича белгиланадиган молиявий режалаштириш туридир. Солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпция ҳуқуқи тан

¹⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

¹¹ Сердюков А.Э., Вилкова Е.С., Тарасевич А.Л. Налоги и налогообложение. – СПб.: «Питер», 2008. – С. 502.

¹² Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. – М.: «ИНФРА-М», 2001. – С. 78.

олиниши солиқларни максимал даражада қисқартириш учун қонунчилик йўл қўйган усул ва воситалар, шу жумладан, қонунчиликдаги қарама-қаршилик ва ноаниқликлардан фойдаланиш имкониятини бериши солиқларни режалаштиришнинг аҳамиятини янада оширади. Мазкур масалани ўрганиш натижасида корпоратив миқёсда солиқларни режалаштириш стратегик режалаштириш, жорий режалаштириш, оператив режалаштириш, режалаштириш самарадорлигини баҳолаш каби босқичларда ва ҳар бир босқич бўйича алоҳида йўналишларда ташкил этилиши ижобий аҳамият касб этади, деган фикрга келдик (2-расм).



2-расм. Солиқларни режалаштириш босқичлари ва йўналишлари¹³

Солиқларнинг амал қилиши ва корхоналарнинг солиқ муносабатларига киришиши солиқ рискларининг юзага келишига сабаб бўлади. Солиқ рискларининг моҳияти, уларнинг юзага келиш сабаблари ҳақида солиқ

¹³ Муаллиф томонидан тузилган.

тўловчиларнинг етарлича тушунчага эга эмасликлари кўп ҳолатларда уларнинг жиддий молиявий йўқотишларига олиб келиши мумкин.

Солиқ рискларини баҳолашнинг назарий асосларига бағишланган турли иқтисодий қарашларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Баъзан солиқ рискларини ташкил этувчи ташқи жиҳатлар алоҳида олиниб, солиқ rischi сифатида янги солиқ тўловларининг амалиётга киритилиши, тўлов шартлари ва ставкаларининг ўзгариши, солиқ имтиёзларининг бекор қилиниши ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ равишда пайдо бўладиган рисклар тушунилади¹⁴. Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, солиқ рискларининг пайдо бўлиши нафақат ташқи, балки қатор ички омилларга ҳам боғлиқ равишда намоён бўлиши мумкин. Солиқ хатолари сифатида шундай ички омилларни ҳам ҳисобга олганда солиқ rischi солиқ қонунчилигидаги ноқулай ўзгаришлар ёки солиқ тўловларини ҳисоблаш вақтида йўл қўйилган хатолар билан боғлиқ молиявий йўқотиш сифатида баҳоланади¹⁵. Фикримизча, солиқ рисклари бўйича ички омилларни фақатгина солиқ хатолари билан чегаралаб қўйиш тўғри бўлмайди. Солиқ рискига бирмунча кенгроқ таъриф Е.Н.Евстигнеев томонидан таклиф этилган бўлиб, «конкрет солиқ тўловчи учун солиққа тортиш соҳасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ноқулай оқибатларни баҳолаш»¹⁶ солиқ rischi сифатида акс эттирилади, лекин бу мулоҳаза солиқ санкцияси қўлланилиши билан боғланади. Бошқа томондан солиқ рискларини аниқлашда солиқ санкцияларидан ташқари молиявий йўқотишлар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида Д.Н.Тихонов ва Л.Г.Липниклар алоҳида тўхталиб, бунда «солиқ rischi пул эквивалентида акс этадиган солиқларни тўлаш ва оптималлаштириш жараёни билан боғлиқ йўқотиш»¹⁷ сифатида тушунтирилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда **солиқ rischi** тушунчасига солиқ тўловчиларнинг ўз мажбуриятларини бажариш борасидаги фаолияти давомида юзага келиши мумкин бўлган ва молиявий йўқотишларга сабаб бўлувчи хавф-хатар дея таъриф бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Солиқ рискларини субъекти бўйича (давлат, солиқ агентлари, солиқ тўловчилар, ўзаро боғлиқ шахслар рисклари), пайдо бўлиш манбасига кўра (ички ва ташқи солиқ рисклари), пайдо бўлиш вақтига кўра (сунъий равишда йўл қўйилаётган ва келажақда юзага чиқиши мумкин бўлган рисклар), таъсир қилиш объектига кўра боғлиқлиги бўйича (фойданинг йўқотилиши, моддий қийматликларнинг йўқотилиши, тўловга лаёқатсизлик, инвестицион ва бошқалар), оқибатларига кўра (солиқ назорати, солиқ юки ортиши, жиноий ва солиқ текшируви даражасидаги рисклар), таъсир этиш даражасига кўра (енгил, кескин, ҳалокатли) таснифлаш мумкин.

¹⁴ Козенкова Т.А. Налоговое планирование на предприятии. – М.: «АиН», 1999. – С. 15.

¹⁵ Филин С.А. Финансовый риск и его составляющие для обеспечения процесса оценки и эффективного управления финансовыми рисками при принятии финансовых управленческих решений // Финансы и кредит. – Москва, 2002. – № 3. – С. 23.

¹⁶ Евстигнеев Е.Н. Основы налогового планирования. – СПб.: «Питер», 2004. – С. 196.

¹⁷ Тихонов Д.Н., Липник Л.Г. Налоговое планирование и оптимизация налоговых рисков. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2004. – С. 105.

Солиқ органлари томонидан ўтказиладиган солиқ назорати даврида солиқ ҳуқуқбузарликларининг аниқланиши солиқ тўловчиларга нисбатан амалдаги қонунчиликка кўра жавобгарлик чоралари қўлланилишига ва бу, ўз навбатида, солиқ тўловчининг жиддий молиявий йўқотишларига сабаб бўлади. Мазкур ҳолатда солиқ рискининг олдини олиш мақсадида ички солиқ назоратини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Ички солиқ назоратини ташкил этишдан асосий мақсад – солиқ органлари томонидан корхона молиявий-хўжалик фаолиятини текширишга оид назорат ўтказилгунга қадар солиқ хатоларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали молиявий жавобгарликларнинг олдини олишдир.

Корхоналарда солиқ мажбуриятларини бошқаришда солиқ таҳлили ҳам муҳим аҳамият касб этади. Солиқ таҳлили ўтказилаётганда солиқлар ва мажбурий ажратмалар умумий таҳлили, солиқ юки таҳлили, солиқлар бўйича қарздорлик таҳлили, солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳолати таҳлили, солиқ базаси таҳлили амалга оширилади.

Корхоналарда солиқ таҳлилинини ташкил этиш жараёнида юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, солиқ турлари динамикасидаги ўзгаришларга сабаб бўлувчи омилларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этишидан келиб чиққан ҳолда қуйида «Эйвалекмахсистемирбетон» ОАЖ мисолида фойда солиғи динамикасига таъсир этувчи омилларни кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал

2007-2011 йилларда «Эйвалекмахсистемирбетон» ОАЖда фойда солиғига таъсир этувчи омиллар таҳлили¹⁸

Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011	2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш
Солиққа тортилгунга қадар фойда, минг сўмда	43452	45655	98237	186897	188189	144737
Чегирилмайдиган харажатлар, минг сўмда	302145	389044	630734	737564	327026	24881
Солиққа тортиладиган фойда, минг сўмда	345597	434699	728971	924461	515215	169618
Имтиёзлар, минг сўмда	0	0	0	330000	0	0
Солиқ базаси, минг сўмда	345597	434699	728971	594461	515215	169618
Солиқ ставкаси, фоизда	10	10	10	9	9	-1
Фойда солиғи, минг сўмда	34560	43470	72897	53502	46369,65	11809,65

Жадвал маълумотларидан 2011 йилда 2007 йилга нисбатан фойда солиғи суммаси ортишига таъсир этувчи омиллар сифатида солиққа тортилгунга қадар фойда суммасининг ўзгариши, солиқ базасини ҳисоблашда қайта қўшиладиган харажатлар ўзгариши, фойда солиғи ставкаси ўзгаришини кўришимиз мумкин. Қуйида таъсир этувчи омилларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Солиққа тортилгунга қадар фойданинг ўсиши ҳисобига:

¹⁸ ОАЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

$144737 \cdot 10\% = 14473,7$ минг сўм фойда солиғи ошган.

Чегирилмайдиган харажатларнинг ўсиши ҳисобига:

$24881 \cdot 10\% = 2488,1$ минг сўм фойда солиғи ошган.


Ставкининг пасайтирилиши ҳисобига эса фойда солиғи 5152,15 минг сўмга камайган:

$515215 \cdot 1\% = 5152,15$ минг сўм.

Барча таъсир этувчи омиллар ҳисобига фойда солиғи суммаси 2011 йилда 2007 йилга нисбатан 11809,65 минг сўм ошганлигини кўришимиз мумкин, яъни:

$14473,7 + 2488,1 - 5152,15 = 11809,65$ минг сўм.

Корхона ҳисобот маълумотларидан фойда солиғи базасига қайта қўшиладиган, яъни чегирилмайдиган харажатларнинг юқорилигини кўришимиз мумкин (3-расм). Лекин, 3-расм маълумотларидан маълум бўлишича, чегирилмайдиган харажатларнинг солиқ базасидаги улуши камайиш тенденциясига эга. Мазкур кўрсаткич 2007 йилда 87,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 63,5 фоизни ташкил этган. Бундай харажатларни тартибга солиб бориш (камайтириб бориш) фойда солиғининг камайишига хизмат қилади ва соф фойда суммасининг ўсишига замин яратади.



3-расм. «Эйвалекмахсистемирбетон» ОАЖда солиққа тортилгунга қадар фойда ва чегирилмайдиган харажатлар динамикаси таҳлили¹⁹

Масалани ўрганиш натижаси ўлароқ таъкидлашимиз мумкинки, ички солиқ назорати ва солиқ таҳлилини ташкил этиш иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик субъектлари маблағларидан самарали фойдаланишга хизмат қилади, солиқ ҳуқуқбузарликлари туфайли молиявий йўқотишларнинг олдини олади, солиқлар ва уларга тенглаштирилган

¹⁹ ОАЖ ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

тўловларнинг давлат бюджетига ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлайди ҳамда хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини оширади.

Солиқ муносабатларини самарали ташкил этишда молия бозорининг муҳим молиявий институти ҳисобланган солиқ маслаҳатчилиги ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Солиқ маслаҳати бюджет даромадларининг шаклланиши нуқтаи назаридан давлат иқтисодий манфаатлари ҳамда фаолият самарадорлигини ошириш нуқтаи назаридан солиқ тўловчилар манфаатлари уйғунлигига эришишга йўналтирилган фаолиятдир. Бунда солиқ маслаҳати солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг ўз вақтида тўлиқ тегишли бюджетларга тушишини таъминлаш, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда солиқ органларига тақдим этиш, амалдаги қонунчилик доирасида давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида берилган солиқ имтиёзларидан солиқ тўловчиларнинг самарали фойдаланишларини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Умумий ҳолда солиқ маслаҳатчилиги солиқ тўловчилар молиявий барқарорлиги ўсишига, солиқ органлари фаолият самарадорлигини ошириш ҳисобига давлат бюджетини солиқли даромадларининг ўз вақтида шаклланишига, шунингдек солиқли зиддиятларнинг олдини олишга, солиқ қонунчилиги такомиллашувида хизмат қилишини таъкидлашимиз лозим.

Корхоналар миқёсида солиқ мажбуриятларини бошқаришда солиқ маслаҳатчилиги фаолиятининг аҳамиятини ошириш солиқ маслаҳатчилигининг мукаммал ҳуқуқий асосларига, хусусан солиқ маслаҳатчилиги бўйича миллий стандартларнинг амал қилишига ҳам бевосита боғлиқ. Шу боисдан, солиқ маслаҳатчилиги миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш зарур деб ҳисоблаймиз. Умумий ҳолда халқаро тажрибалар ва миллий қонунчилик хусусиятларини инобатга олган солиқ маслаҳатчилиги фаолияти бўйича миллий стандартлар сифатида солиқ қонунчилиги қўлланилиши масалалари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш стандарти, солиқларни режалаштириш стандарти, солиқ ҳисобини юритиш ва юритилиш ҳолатини текшириш стандарти, юридик ва жисмоний шахслар солиқ ҳисоботларини тузиш стандарти, солиқ назорати жараёнида солиққа тортиш масалалари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш стандарти, солиқли зиддиятларни судгача ҳал қилиш юзасидан солиқ тўловчи манфаатлари бўйича вакиллик қилиш стандарти, суд органларида солиқ тўловчи манфаатлари юзасидан вакиллик қилиш стандартини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

Келтириб ўтилаётган солиқ маслаҳатчилиги фаолиятини тартибга солиш бўйича миллий стандартлар солиқ мажбуриятларини бошқаришда, умуман солиқ муносабатларини самарали ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз.

Корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш корхоналарда солиқ мажбуриятларини минималлаштиришга хизмат қилиши ҳақида юқорида ҳам тўхталиб ўтдик. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйида «Ўздонмахсулот»

акциядорлик компаниясида амалиётга жорий этилган дивиденд схемаси орқали солиқларни минималлаштириш амалиётини кўриб чиқамиз (2-жадвал).

2-жадвал

«Ўздонмахсулот» АКда 2011 йилда акциядорларга мукофот сифатида берилиши кутилаётган суммани дивидендга йўналтириш орқали солиқларни минималлаштириш схемаси²⁰

ҳар миллион сўм бўйича

Мукофот бўйича ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва мажбурий ажратмалар	ЯИТ (25%)	250000
	ЖШДС (юқори шкала 22%)	220000
	Пенсия фондига мажбурий суғурта бадалли (4,5%)	45000
Дивиденд бўйича ҳисобланган солиқ	10%	100000
АК ихтиёрида қолдирилган сумма	X	250000
Ходим ихтиёрида қолдирилган сумма	X	165000

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Ўздонмахсулот» АКда 2011 йил якунида акциядорларга мукофотлар тарзида тўланиши кутилган маблағларни дивидендга йўналтириш натижасида ҳар бир миллион сўмлик дивиденд бўйича 250 минг сўмдан ягона ижтимоий тўлов суммаси жамият ихтиёрида қолдирилган. Шунингдек, мазкур амалиёт натижасида мукофотларга ҳисобланиши лозим бўлган жисмоний шахслар даромад солиғи ўрнига дивиденд солиғи ҳисобланган ва ҳар бир миллион сўмлик дивиденд бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи ва дивиденд солиғи ўртасидаги тафовут сифатида 120 минг сўм маблағ акциядор ҳисобланган ходимлар ихтиёрларида қолишига эришилган. Бундан ташқари ҳар миллион сўм бўйича 45 минг сўм пенсия фондига мажбурий суғурта бадаллари ҳам ҳисобланмаган.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш юзасидан олиб борган тадқиқотларимизнинг якуний натижаси сифатида қуйидаги **илмий хулосалар** шакллантирилди:

1. Солиқларнинг давлат ва жамият манфаати учун хизмат қилишидан келиб чиққан ҳолда солиқларнинг шаффофлигига эътибор қаратиш лозимлиги илмий тадқиқ қилинди. Яъни, бунда солиқларнинг амал қилишидан манфаатдор томонларнинг ўзаро боғлиқ хусусиятларини инобатга

²⁰ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган ва «Ўздонмахсулот» АКда жорий этилган.

олиш лозимлиги белгиланди. Айниқса, давлат манфаати ва солиқ тўловчи манфаатининг мутаносиблигини таъминлаш оптимал солиқ сиёсати белгиси бўлиб, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасининг ўсишига хизмат қилади.

2. Солиқ менежментининг моҳияти ва таснифланиши натижаси ўлароқ, давлат солиқ менежменти ва корпоратив солиқ менежменти ўзаро боғлиқ ва қарама-қарши хусусиятга эгаллиги билан бир вақтда, корпоратив солиқ менежменти давлат солиқ менежментига нисбатан тобеълик характериға эға ҳисобланади. Чунки корпоратив солиқ менежменти солиқ қонунчилиги доирасида ташкил этилади.

3. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, корпоратив солиқ менежментига қуйидагича таъриф бериш мақсадға мувофиқ деб ҳисоблаймиз: корпоратив солиқ менежменти бу - давлат солиқ менежменти томонидан белгиланган қонунчилик доирасида микродаражада солиқлар бўйича пул оқимлари ҳаракатини самарали бошқариш орқали солиқ мажбуриятларини минималлаштириш, тартибға солиш, солиқ ҳатоларининг олдини олиш, солиқ тўлашнинг қулай вазиятларини танлашға қаратилган корпоратив молияни бошқариш тизимининг муҳим бўғинидир.

4. Корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш мақсадида солиқларни режалаштириш, солиқ рискларини бошқариш, ички солиқ назорати, солиқларни оптималлаштириш масалалари ва солиқ маслаҳати соҳасиға алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги белгиланди.

5. Солиқларни режалаштириш амалдаги қонунчиликка кўра берилган имтиёз ва енгилликлардан корхоналарнинг самарали фойдаланишиға, шунингдек солиқ қонунчилигининг такомиллашувига хизмат қилиши аниқланди. Солиқларни режалаштириш жараёнида режалаштириш элементлари, босқичлари, иштирокчилари, солиқларни режалаштиришни давлат томонидан чегаралаш усуллари белгилаб олинди.

6. Солиқ рискларининг юзаға келиши корхоналар молиявий барқарорлиги пасайишиға, жумладан давлат бюджети даромадларининг ўз вақтида шаклланмаслигиға олиб келиши аниқланди. Корхоналарда солиқ рисклари юзаға келишининг олдини олишда ички солиқ назорати ўтказиш ёки солиқ маслаҳатчиларини жалб этиш алоҳида аҳамият касб этади, деган ҳулосаға келинди.

7. Солиқ маслаҳатчилигининг солиқ тўловчилар молиявий барқарорлигини оширишдаги, солиқ органлари фаолият самарадорлигини ошириш ҳисобига давлат бюджети солиқли даромадларининг ўз вақтида шаклланишидаги, солиқли зиддиятларнинг олдини олишдаги, солиқ қонунчилигини такомиллаштиришдаги аҳамиятли жиҳатларидан самарали фойдаланиш мамлакат тараққиётида муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот ишида корпоратив солиқ менежментини ривожлантиришға қаратилган қуйидаги **илмий таклиф ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Корхоналарда солиқларни режалаштириш амалиётини ташкил этишда солиқли вазиятлардан келиб чиққан ҳолда стратегик режалаштириш,

солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланишга қаратилган жорий режалаштириш, солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашга қаратилган, шунингдек шартномавий муносабатларни ҳисобга олувчи оператив режалаштириш тарзида ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Мазкур таклифнинг «Ўздонмахсулот» АКда 2011 йилда қўлланилиши орқали 187387 минг сўм маблағ акциядорлик компанияси ихтиёрида қолишига эришилган ва тежаб қолинган сумма ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилашга, махсулот турларини кўпайтиришга йўналтирилган.

2. Корхоналарда амалга оширилган молиявий операциялар ва улар бўйича ҳисобланадиган солиқларни тўлаш муддатларидан келиб чиққан ҳолда ҳар ой ёки чорак бўйича солиқ бюджетини тузиб чиқиш лозим. Бунда тузиб чиқилган солиқ бюджети солиқларнинг ўз вақтида тўланишига хизмат қилиши билан бир вақтда солиқлар бўйича боқимандалик ҳолатларининг ҳам камайишига хизмат қилади.

3. Ҳар бир молия йилининг охирида солиқ қонунчилигига кўплаб ўзгаришлар киритилиши натижасида молия йилининг биринчи чорагида солиқ хатолари ва рискларининг юзага келиши кўпроқ кўзга ташланади. Бунинг олдини олиш учун давлат бюджети параметрларини кучга кириш муддатидан камида бир ой олдин матбуотда эълон қилинишини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

4. Солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун топшириладиган малака имтиҳонини ташкил этиш ва ўтказиш тартибига асосан талабгор тегишли махсус курсни ўташи лозим. Бу ҳолат солиқ масалалари бўйича етарли даражада билимга эга мутахассисларнинг солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олишлари учун мажбурий тартибда махсус курсни ўташлари қўшимча вақтни талаб қилади ва бу ҳолат ўз-ўзидан соҳанинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда солиқ маслаҳатчиси малака сертификатини олиш учун фақат малака имтиҳони топширишни мажбурий тартибда жорий этиб, махсус курсни ўташнинг мажбурийлиги бекор қилиниши лозим.

5. Солиқ маслаҳатчилиги фаолияти бўйича миллий стандартлар сифатида солиқ қонунчилиги қўлланилиши масалалари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш стандарти, солиқларни режалаштириш стандарти, солиқ ҳисобини юритиш ва юритилиш ҳолатини текшириш стандарти, юридик ва жисмоний шахслар солиқ ҳисоботларини тузиш стандарти, солиқ назорати жараёнида солиққа тортиш масалалари бўйича маслаҳат хизматлари кўрсатиш стандарти, солиқли зиддиятларни судгача ҳал қилиш юзасидан солиқ тўловчи манфаатлари бўйича вакиллик қилиш стандарти, суд органларида солиқ тўловчи манфаатлари юзасидан вакиллик қилиш стандартини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим.

6. Агарда акциядорлик жамияти йилни юқори фойда билан якунлаши кутилаётган бўлса ҳамда акциядорлик жамиятида ходимлар ҳам акциядор ҳисобланса, солиқ мажбуриятларини минималлаштириш мақсадида йил

якунлари бўйича мукофотларни дивидендга йўналтириш мақсадга мувофиқ. Чунки жисмоний шахслар даромад солиғи ставкасига нисбатан дивидендлардан тўлов манбаида ундириб қолинадиган солиқ ставкаси пастроқ. Бундан ташқари олинадиган дивидендларга нисбатан мажбурий суғурта бадаллари ва ягона ижтимоий тўлов ҳисобланмайди. Мазкур амалий тавсиядан «Ўздонмахсулот» АКда фойдаланиш натижасида акциядор ходимларга 2011 йил якуни бўйича мукофотлар ўрнига дивиденд тўланган ва ҳар бир миллион сўмлик харажат бўйича 250 минг сўмдан ягона ижтимоий тўлов компания ихтиёрида қолишига эришилган. Шунингдек мазкур амалиёт натижасида мукофотларга ҳисобланиши лозим бўлган жисмоний шахслар даромад солиғи ўрнига дивиденд солиғи ҳисобланган ва ҳар бир миллион сўмлик дивиденд бўйича жисмоний шахслар даромад солиғи ва дивиденд солиғи ўртасидаги тафовут сифатида 120 минг сўм маблағ акциядор ҳисобланган ходимлар ихтиёрларида қолишига эришилган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Элмирзаев С.Э. Солиқ тизимини такомиллаштириш йўлида // Молия, банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини такомиллаштириш: VIII республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2008. – Б. 278-279.

2. Элмирзаев С.Э., Ахмедов Х. Корхоналарда солиқларни режалаштириш // Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли: республика олий ўқув юртлариаро ўтказилган конференция материаллари. – Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. – Б. 244-246.

3. Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти // Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишида молиянинг роли: республика олий ўқув юртлариаро ўтказилган конференция материаллари. – Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. – Б. 248-250.

4. Элмирзаев С.Э. Солиқларни бюджетлаштириш ва корхонанинг солиқ бюджети // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия, банк, солиқ, суғурта, қимматли қоғозлар бозори, инвестиция, бухгалтерия ҳисоби ва аудит тизимини такомиллаштириш: IX республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2009. – Б. 37-39.

5. Элмирзаев С.Э. Проблемы создания системы налогового менеджмента на предприятии и разработка рекомендаций по их решению // Проблемы и пути повышения эффективности взаимодействия регионов в условиях глобализации экономики: сборник научных трудов. – Москва: МГУ, 2009. – С. 235-236.

6. Элмирзаев С.Э. Солиқларни режалаштириш босқичлари // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 121-122.

7. Элмирзаев С.Э. Значимость корпоративного налогового менеджмента в условиях финансово-экономического кризиса // Совершенствование бухгалтерского учёта, аудита и анализа в условиях мирового финансово-экономического кризиса: материалы республиканской научно-практической конференции. II часть. – Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2009. – Б. 160-165.
8. Элмирзаев С.Э. Солиқ маслаҳати: моҳият, аҳамият ва ривожланиш // Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида молия ва бюджет тизимини такомиллаштириш масалалари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. II қисм. – Тошкент: «IQTISOD-MOLIYA», 2010. – Б. 132-133.
9. Элмирзаев С.Э. Оффшорные зоны и минимизации налогов в условиях финансово-экономического кризиса // Трансформация экономических отношений в условиях преодоления последствий глобального финансово-экономического кризиса: тезисы и доклады международной научно-практической конференции. – Москва, 2010. – С. 247-248.
10. Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти – иқтисодий ҳавфсизлик ва барқарорлик омили // Молия. – Тошкент, 2010. – № 1. – Б. 52-56.
11. Элмирзаев С.Э. Моҳият ва оқибат // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2010. – № 5. – Б. 29-30.
12. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. Ўқув қўлланма. – Т.: «Мумтоз сўз» – 2010. – 104 б.
13. Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежментида ички солиқ назорати ва таҳлили // Молия. – Тошкент, 2010. – № 3. – Б. 45-50.
14. Элмирзаев С.Э. Солиқ маслаҳатининг аҳамияти // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2010. – № 2. – Б. 96-97.
15. Элмирзаев С.Э., Қурбонқулова Н. Корхоналар инвестицион стратегияси ва уни ишлаб чиқишда эътибор қаратиладиган жиҳатлар // Солиқ тизимини такомиллаштириш йўналишлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 150-151.
16. Элмирзаев С.Э. Тижорат банклари ресурс базасини мустаҳкамлашда ва инвестиция фаоллигини оширишда солиқ менежментининг аҳамияти // Халқаро талаблар асосида тижорат банклари фаолиятини рейтинг баҳолаш: республика илмий-амалий анжумани тезислар тўплами. – Тошкент, 2011. – Б. 147-148.
17. Элмирзаев С.Э. Солиқ маслаҳатчилиги миллий стандартларини ишлаб чиқишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар // Молия соҳасида мавжуд бўлган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари: республика олий ўқув юртлариаро илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2011. – Б. 163-166.
18. Элмирзаев С.Э. Солиқ маслаҳатининг афзалликлари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари // Молия. – Тошкент, 2011. – № 2. – Б. 56-61.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Элмирзаев Самариддин Эшқуватовичнинг 08.00.07 – «Молия, пул муомаласи ва кредит» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистон Республикасида корпоратив солиқ менежментини ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: солиқ менежменти, давлат солиқ менежменти, корпоратив солиқ менежменти, солиқларни режалаштириш, солиқ рисклари, ички солиқ назорати, солиқ таҳлили, солиқ хатолари, солиқ маслаҳати, солиқ маслаҳатчилиги миллий стандартлари, солиқларни оптималлаштириш, солиқларни минималлаштириш, солиқларни бюджетлаштириш.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган солиқ тўловчи юридик шахслар.

Ишнинг мақсади: иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон Республикасида корпоратив солиқ менежментини ривожлантиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: занжирли боғланиш, статистик таҳлил, таққослаш, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, омилли таҳлил.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: корпоратив солиқ менежментининг иқтисодий моҳияти очиб берилди ва такомиллашган муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди; мамлакатимизда корпоратив солиқ менежментини ташкил этиш борасидаги мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш борасида илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди; солиқ рисклари тушунчасининг моҳияти очиб берилди ва солиқ рискларининг оқибатлари келтириб ўтилди; ички солиқ назоратини ташкил этишнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятидаги аҳамияти ёритиб берилди ва уни ўтказиш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, жумладан, солиқ хатолари турлари очиб берилди; солиқ маслаҳати хизматининг иқтисодий аҳамияти ва бу соҳани ривожлантириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди; мамлакатимиз солиқ қонунчилиги хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда корпоратив солиқ менежментини самарали ташкил этиш орқали хўжалик субъектлари молиявий барқарорлигини ошириш йўллари таклиф қилинди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан корхоналар тўловга лаёқатлилигини таъминлашда, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (2010 йил 23 июль ЁТ/20-01-31-16-313/1784-сонли далолатнома), «Ўздомахсулот» АК (2012 йил 30 январдаги далолатнома) фаолиятида амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган. Тадқиқот материалларидан Тошкент молия институтида (2010 йил 8 сентябрь 8-сонли далолатнома) «Корпоратив солиқ менежменти», «Корпоратив молия стратегияси», «Молиявий менежмент стратегияси», «Солиқ маслаҳати», «Корхоналарда пул оқимларини бошқариш», «Молиявий менежмент» фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: солиқ тўловчилар, солиқ маслаҳати ташкилотлари, олий ўқув юртлари.

РЕЗЮМЕ

диссертации Элмирзаева Самариддина Эшкuvatовича на тему: «Перспективы развития корпоративного налогового менеджмента в Республике Узбекистан» представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.07 – «Финансы, денежное обращение и кредит»

Ключевые слова: налоговый менеджмент, государственный налоговый менеджмент, корпоративный налоговый менеджмент, налоговое планирование, налоговые риски, внутренний налоговый контроль, налоговый анализ, налоговые ошибки, налоговая консультация, национальные стандарты налогового консультирования, налоговая оптимизация, налоговая минимизация, налоговое бюджетирование.

Объекты исследования: юридические лица – налогоплательщики, осуществляющие свою деятельность в Республике Узбекистан.

Цель работы: разработка научных предложений и практических рекомендаций по развитию корпоративного налогового менеджмента в условиях модернизации экономики в Республике Узбекистан.

Методы исследования: цепная постановка, статистический анализ, сравнение, группировка, анализ и синтез, факторный анализ.

Полученные результаты и их новизна: раскрыто и дано авторское определение экономического содержания корпоративного налогового менеджмента; разработаны научные предложения и практические рекомендации по устранению недостатков в организации корпоративного налогового менеджмента в стране; раскрыта сущность понятия налоговых рисков и выявлены последствия налоговых рисков; раскрыта организация внутреннего налогового контроля в финансово-хозяйственной деятельности предприятий и ситуаций, на которые необходимо обратить внимание в процессе их проведения, в том числе приведены виды налоговых ошибок; разработаны практические рекомендации по экономическому значению налогового консультирования и по развитию этих услуг; предложены пути повышения финансовой устойчивости хозяйствующих субъектов на основе эффективной организации корпоративного налогового менеджмента в соответствии с особенностями налогового законодательства страны.

Практическая значимость: разработанные научные предложения и практические рекомендации в диссертационной работе могут быть использованы в обеспечении платежеспособности предприятий и совершенствовании законодательной базы.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследования были внедрены в практической деятельности Министерства финансов Республики Узбекистан (акт №ЕТ/20-01-31-16-313/1784, 23 июля 2010 год), АК «Уздонмахсулот» (акт 30 января 2012 года). Материалы исследования используются при совершенствовании учебных программ курсов «Корпоративный налоговый менеджмент», «Корпоративная финансовая стратегия», «Стратегия финансового менеджмента», «Налоговое консультирование», «Управление денежными потоками предприятия», «Финансовый менеджмент» и в процессе преподавания в Ташкентском финансовом институте (акт № 8, 8 сентября 2010 год).

Область применения: налогоплательщики, организации налогового консультирования, высшие учебные заведения.

RESUME

Thesis of Elmirzaev Samariddin Eshkuvatovich on the scientific degree competition of the candidate of sciences in economics on specialty 08.00.07 – “Finances, money circulation and credit”, subject: “The prospects for the development of corporate tax management in the Republic of Uzbekistan”

Key words: tax management, state fiscal management, the corporate tax management, tax planning, tax risks, internal tax control, tax analysis, tax errors, tax advice, the national standards of tax consulting, tax optimization, tax minimization, tax budgeting.

Subjects of research: legal persons - taxpayers carrying out its activities in Uzbekistan.

Purpose of work: to work of research proposals and practical recommendations for the development of corporate tax management in terms of economic modernization in Uzbekistan.

Methods of research: production chain, the statistical analysis, comparison, grouping, analysis and synthesis, factor analysis.

The received results and their novelty: revealed and given to the author's definition of economic substance of corporate tax management, developed research proposals and practical recommendations to address weaknesses in the organization of corporate tax management in the country, revealed the essence of the concept of tax risks and consequences of identified tax risks; revealed the organization of internal fiscal controls in the financial-economic activity of enterprises and situations that need attention in their conduct, including the types of tax are errors; practical recommendations on the economic value of the tax, and the development of these services offered ways to improve the financial stability of businesses based on the effective organization of corporate tax management accordance with the features of the tax legislation of the country.

Practical value: developed research proposals and practical advice in the thesis can be used to ensure the solvency of enterprises and improving the legal framework.

Degree of embed and economic effectivity: research results were implemented in the practice of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan (act number ËT/20-01-31-16-313/1784, July 23, 2010), JSC “Uzdonmahsulot” (the act of January 30, 2012). The research materials used in improving the curricula of the courses “Corporate Tax Management”, “Corporate Financial Strategy”, “Strategy of Financial Management”, “Tax Advice”, “Cash flow management company”, “Financial management” and in teaching at the Tashkent Financial Institute (report number 8, September 8, 2010).

Field of application: taxpayers, tax consulting organization, higher education institutions.